



**“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи. А.Умурзақовга**

### **Техник шарт**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябр кунги Раёсат мажлисининг 159-сонли баёнининг 3-иловасида Фарғона шаҳар “Ўрмончилар” КСЗ ни ичимлик суви билан таъминлаш ва марказлашган оқава сув тизимига улаш бўйича қурилиш монтаж ишлари олиб бориш юзасидан “Узсувтаъминот” АЖ “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Умурзақовнинг 2021 йил 4 ноябрдаги 450-сонли хатига асосан қуйидаги ишлар бажарилиши талаб этилади.

### **Ичимлик сув бўйича;**

Фарғона шаҳар “Ўрмончилар” КСЗ ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан урганиб чиқилганда ичимлик суви сарфи 40,0 м<sup>3</sup>/соат ичимлик суви билан таъминлаш учун “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Фарғона шаҳар булими тасарруфидаги марказлашган ичимлик сув тармоғи йуклиги сабабли ушбу ҳудудга 1 (бир) дона диаметри 219 ммли ичимлик тик сув қудуғи қазил, 1 (бир) дона замонавий электр тежамкор “Вило” 8-40/90 сув насоси ўрнатиш, 1 (бир) дона лойиха асосида ТП (трансформатор) ўрнатиш ва электр ҳаво линиясини тортиш, 1 (бир) дона электр бошқарув ускунаси ўрнатиш, 1 (бир) дона замонавий электр ҳисоблагич ўрнатиш, 1 (бир) дона замонавий сув ҳисоблагич ўрнатиш, 1 (бир) дона баландлиги 20 метр булган 25 м<sup>3</sup> ли сув сизими ўрнатиш ва унга мос автоматик ўчириб ёқиш мосламаси (Поплавок) ўрнатиш, 1 (бир) дона ичимлик сувини зарарсизлантириш ускунаси ўрнатиш, ҳамда узунлиги 0,5 км SDR17 турдаги полиэтилен 6.0 (АТМ) босимли ичимлик сув қузури лойиха асосида замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНК, ҚМҚ талабларига ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда иншоот ҳудуди ўралиши ва замонавий ёриткич чироклари билан таъминланиши шарт.

### **Оқава сув бўйича**

Фарғона шаҳар “Ўрмончилар” КСЗни оқава сув тизимига уланиш нуқтаси: “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Фарғона шаҳар булими тасарруфидаги Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчаси 303-уй ҳудудида мавжуд Д-400 мм ли (керамика) 2,5 метр чуқурликдаги оқава сув коллекторига алоҳида қудуқ (колодец) қуриб 0,4 км диаметр 200 ммли оқава сув тармоғи қуриб амалга ошириш шарт.

Фарғона шаҳар “Ўрмончилар” КСЗни ҳудудида ичимлик ва оқава сув тармоқларини қуриш ва монтаж қилиш даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан ичимлик ва оқава сув объектлари буйича ишлаб чиқилган лойиха смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Бош муҳандиси билан келишилиб, 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**

**Бош муҳандиси:**



**И.Абдуллаев**